

Бу йил Қашқадарё вилоятининг чорвачилик ҳўжаликлариди қирқ икки минг дони қоракўл тери тайёрланди ва унинг йигирма минг дониси Қашқадарёдаги «Ўзбек-Бухоро қоракўл» кичик қорхонасиди қайта ишланиб, хорижга экспорт қилинди.

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 8 апрел, сешанба № 56 (1481)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VI халқаро турнир ниҳоясига етди

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ Сурхондарёлик Абдулла Тангриевга топширилди



Бектош Демирэл ҳамда Карлос Хонорато ўз ҳамюртимиз Суҳроб Дўстовлар мусобақага пухта техник ва жисмоний тайёргарлик билан келганликларини намойиш этишди. Ушбу икки полвон ўртасиди ҳал қилувчи баҳсда омад ҳамюртимиз Суҳроб полвонга кулиб бокди.

Жаҳон бўйлаб тобора оммалашиб бораётган ўзбек кураши бўйича Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий VI халқаро турнир ниҳоясига етди.

Миллий кураш ихлосмандлари ва мутахассисларнинг бутун диққат-эътибори икки кун мобайнида ушбу нуфузли мусобақага қаратилди. Зотан, Буюк Британия, Канада, Бразилия, Россия, Польша, ЖАР, Туркия, Эрон, Туркменистон, Тожикистон сингари жаҳоннинг беш қитъасиди ўнлаб мамлакатлар вакиллари ҳамда ҳамюртларимиз иштирокидаги беллашувлар чиндан-да қизгин ва муросасиз курашлар остида ўтди.

ГАП ЖАРИМАДА ЭМАС

Аҳоли турмушининг фаровонлиги бир хижатдан экологик, эпидемиологик вазият билан ҳам белгиланади. Соғлом киши ҳузур-халоватда яшайди. Шунинг учун давлат санитария-эпидемиология назорати маркази зиммасига атроф-муҳит тозаланиши, озик-овқат маҳсулотларининг истеъмолга яроқлигини назорат қилиш вазифаси юқлатилган. Бу борада барча жойлардаги сингари Каттакўрғон туманида ҳам анчагина ишлар қилинмоқда.

Одамлар табиат неъматларидан, жумладан ҳаво, сув ҳавзаларидан фойдаланадилар. Шу боис ҳаво, табиат неъматларининг ифлосланишига, сифатсизланишига йўл қўйиб бўлмайди. Туманимиз ҳудудида сув ҳавзалари кўп. Хусусан, Оқдарё ва Қорадарё оқиб ўтади. Каттакўрғон сув омбори ва унга қириш-чиқиш каналлари бор. Уларни назоратсиз қолдириш асло мумкин эмас. Чунки бундай жойларда касаллик манбалари пайдо бўлиш эҳтимоли хамиша мавжуд. Бундан ташқари одамларнинг, айниқса, бола-ларнинг иссиқ ёз кунларида сув ҳавзаларида тартибсиз чўмилиши, чорва молларининг сув кечиши оқибатида обихайёт ифлосланади.

Ана шуларни ҳисобга олиб Каттакўрғон тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан аҳоли ўртасиди кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Сув ҳавзаларининг ифлосланишига қарши, ундаги зараркуналдарни зарарсизлантириш учун белгиланган чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Бунинг натижасиди юқумли касалликларга чалиниш ҳоллари камайишига эришилэптир. Профилактик тадбирлар туфайли айрим юқумли касалликлар умуман қайд этилмаётганлиги қувончли, албатта.

Ишмизининг яна бир муҳим йўналиши аҳоли томонидан етиштирилиб, тўғридан-тўғри бозорга чиқарилаётган сут, гўшт, балик маҳсулотларининг полиз ва меваларнинг шунингдек, хусусий тадбиркорлар шайраётган овқатларнинг сифатини назорат қилишдир. Шу мақсадда ўтган йили 800 дан зиёд кимёвий, қарийб 7 миңга та бактериологик таҳлил ўтказилди.

Санитария қоидаларини бузганлиги учун 49 нафар, меҳнат гигиенасига риоя қилмаганлиги учун 11 нафар, коммунал тозаланиш таъминланмаганлиги учун 19 кишига жарима солинди. Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чи-

Нуқтаи назар

АКЦИЯЛАР БОЗОРИ ЧАҚҚОН

Мамлакатимизда хусусий мулкчилик ривожланган сайин фуқароларимизнинг акцияга қизиқиши ортиб бормоқда. Ўтган ҳафта Республика фонд биржасиди 48 акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 192,5 миллион сўмлик 98,6 миң акциясини сотиш бўйича 73 битим имзоланди. Иккиламчи бозорда эса 17 акциядорлик жамиятининг қиймати 40,7 миллион сўмлик 34,7 миң акцияси сотилди.

Савдоларда «Қашқадарёпахтасаноат» акциядорлик жамияти акцияларининг бозори, айниқса, чаққон бўлди. Унинг 23 миллион сўмлик 1,8 миң акцияси ўз харидорини топди.

Н. ЖУМАЕВ, Каттакўрғон тумани ДСЭНИ бош ҳақими.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«Ишонч»га жавоб берадилар

Баҳор нафақат меҳнат, балки хайру-саховат, меҳр-мурувват хислатлари жўш урган фаслдир. Шу боис яқинда Меҳнатобод туманида кам таъминланган оила фарзандларига ижтимоий кўмак кўрсатилди.

ИЖТИМОЙ КЎМАК

хонадон маҳалла хайрия жамғармаси, 156 та хонадон туман ҳокимлиги мададини яққол хис этишди. — Хуснобод қишлоғиди фермерлар худуддаги 8-мактабни ўз оталиқларига олиб таъмирлаш ишларини амалга оширишди, — дейди туман ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлими мудири Зиёдулла Қаршибеков. — Шунингдек, Й.Охунбоев номи ҳўжалиқдаги 3 та мактабни таъмирлашнинг фермерлар ўз зиммаларига олишган.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ва худудларни ва техноген хўсусиятли фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни фавқуллода вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, уларни вужудга келтирадиган талафотларни қайтариш ҳамда баргараф этиш, тизимдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишни кафолатлайди.

КЎЧКИ ВА СЕЛ ХАВФИГА ҚАРШИ аниқ тадбирлар амалга оширилди

Вилоят фавқуллода вазиятлар бошқармаси бошлиғи Рўзикул Ҳолиқовни Қашқадарё туманининг Лангар қишлоғиди учратдик. У фуқаролар йиғини ва ширкат ҳўжалиги раҳбарлари билан мулоқот қилдик. Қашқадарё вилояти ўзининг географик тўзлиши, иқлими, чўл ва тоғли минтақида жойлашганлиги боис, табиий офатлар тез-тез содир бўладиган худудга кирди. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши ҳўёрликни йўқотмаслиги, фавқуллода вазиятларнинг олдини олишга хамиша тайёр туриш керак.

Вилоятнинг қўшни давлатлар билан чегарадош Нишон, Миришкор, Китоб ва бошқа туманлариди тақвиль этилган бўлса, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш дастури тайёрланган. Шу мақсадда Гузор, Нишон ва Миришкор туманларида ўтказилган Қўмондонлик штаб ўқув машғулотларида 33 миң 346 нафар фуқаро қатнашди. Уларга фавқуллода вазиятларда ҳаракат қилиш қоидалари ўргатилди. Бундан ташқари, 837 та техника воситаларининг тайёргарлик ҳолати синаб кўрилди. Тоифаланган ҳаётий зарур халқ ҳўжалик объектлари ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари билан ўқув машғулотлари олиб борилди.

Бошқарма тасарруфиди 3 та худудий фавқуллода вазиятлар бўлими ташкил этилди. Авария-қутқарув ва сувдан қутқариш давлат хизмати таркибига замонавий техника, алоқа воситалари билан таъминланган. Вилоят ҳудудидаги тоифаланган, ёнгин-портлаш ва кимёвий хавфи мавжуд 76 та халқ ҳўжалик ишоотларининг фуқаро муҳофазаси, қўриқланиши ва барқарорлик ҳолати текширилиб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган тезкор чоралар кўрилди. Шунга қарамасдан муаммолар ҳам бор. Масалан, Гузор, Муборак, Мириш-

ЖАМОА ШАРТНОМАСИНING КЎЧИ

Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Амударё тумани қўмитаси ва унинг тасарруфиди бошланғич ташкилотларда жамоа шартномаларининг бажарилиши юзасидан ҳисобот йиғилишлари ўтказилди.

Улар ошқоралик, ўз-ўзини танқид рўҳиди ўтди. Жамоа шартномаларида 4976 та банддан иборат шартлар қабул қилинганди. Йил давомида шундан 4152 та банд шартлари амалга оширилган. Бу 83 фоизни ташкил қилади. Меҳнатни ташкил қилиш ва иш ҳақи тўлаш қисмидаги айрим бандлар бажарилиши ҳолда ходимларга иш ҳақи тўлаш жамоа шартномаларида белгиланганидек амалга оширилмади. Ҳўжалик ва қорхоналарнинг қарийб барчаси ишчи-хизматчилардан қардор бўлиб қолди. Бунинг олдини олиш мақсадида иш берувчиларга тақдимномалар берилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 март иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш ҳақида қарорининг бажарилиши жойларда бошланғич касаба уюшма қўмити раислари томонидан назорат қилиб боришмоқда.

Жамоа шартномаларида қабул қилинган меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг амалга оширилиши айрим ҳўжалик ва қорхоналарда яқин олиб боришмоқда. Афсуски, баъзи ҳўжалиқларда ишлар қўнғилда-гидек эмас. Меҳнат муҳофазасини яқинлаш бўйича тадбир ўтказиш учун зарур маблағ ажратилмаган. «Хоразм», «Ок олтин», «Зарбдор» ширкат ҳўжалиқлари, «Мангит» масўулияти чекланган, «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятларида бу борада айрим ишлар бажаририлган. Жумладан, маҳсус кийим-бош билан таъминлаш, зарарли шариотда ишловчиларни сут билан таъминлаш, тушликка иссиқ овқат ташкил этиш масалалари ҳал этилган.

Ўтган йилни ҳўжалиқларда «Хотира ва кадрлар» байрами арафасиди меҳнат ва уруш фахрийлари ҳўлдани хабар олинди. Уларга байрам совғалари, сийҳат-гоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Касаба уюшма аъзоларининг 297 нафар фарзандлари ёғзи дам олиш оромгоҳларига юборилиб, ёғзи таътилини қўнғилдагидек ўтказиб келди. Шулардан 60 нафар ўғил-қизлар Фарғона вилоятдаги ёғзи оромгоҳларга юборилган.

Бугунги кунда «Обод маҳалла йиғин» муносабати билан кўпгина тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Жойларда касаб уюшма фаоллари тумани маданият, маориф, тиббиёт бўлимлари билан биргаликда ободонлаштириш, қўқалпазориштириш, бозорлар яратишдек савобли ишларда қатнашмоқдалар.

З. ҚАЗАКОВА, Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Амударё тумани қўмитаси ходими.

